



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 27 (10.080)

2004 ЙИЛ 9 ФЕВРАЛЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни

Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА САТУРЛАРДА

● **БУГУН** «Гранд-Синема» кинотеатрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Яққасарой туман бўлими Кенгашининг, Ҳамза туманида жойлашган мусика саройида эса «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Ҳамза туман бўлими Кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида буюк аллома Алишер Навоий таваллуд топган кун муносабати билан илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

● **ОЛИЙ** ва ўрта махсус таълим вазирлигида уюштирилган семинар олий ўқув юртлири битирувчиларини иш билан таъминлашда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этишга бағишланди.

● **КАДРЛАР** тайёрлаш Миллий дастури белгилаб берган вазифаларни ҳаёtgа татбиқ этиш мақсадида Ўзбекистон Миллий университети талабалари ўртасида итальян тилини ўргатишга мўлжалланган кўрик-танлов эълон қилинди.

● **ТОШКЕНТ** бизнес марказида телекоммуникацион технологияларнинг энг сўнгги янгиликларини ўрганишга мўлжалланган семинар бўлиб ўтди. Унда «Сони» фирмаси махсуслотлари кўргазмаси намойиш этилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

БУЮК БОБОМИЗГА ЭҲТИРОМ

Ҳар йили буюк мутафаккир Алишер Навоий тугилган кунда улуг бобомиз номидаги Миллий бог мажмуасидаги шоир ҳайкали ёнида таваллуд кечасини нишонлаш хайрли анъанага айланган.

Бу йил ҳам ушбу анъанага мувофиқ, эрта тонгдан янграб турган мумтоз мусика, Навоий ғазаллари билан айтиладиган кўшиқлар ва ҳикматлар садолари остида Алишер Навоий номидаги Миллий богдаги ҳайкал қошига давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, шоир ва ёзувчилар, маҳаллалар фаоллари, талаба ва ўқувчи-ёшлардан иборат кенг жамоатчилик вакиллари қўлларида гулу хуш кайфият ила тўпланишди.


— Биз буюк шоир ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 563 йиллиги нишонланган ушбу кутлуг кунда улуг бобомиз шаънига ҳар қанча мактоб сўзларини айтсак ҳам уни адоғига етказишимиз қийин, — деди тадбирни очар экан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири Абдулла Орипов. — Айниқса, Президентимиз ташаббуслари билан эълон қилинган Меҳр ва мурувват йили ҳазрат Навоий идеалларига мосдир. Зеро биз Навоий бобомизни том маънода меҳр ва мурувват куйчиши деймиз.

Албатта, Навоий жаҳоншумул шоир. Бироқ фақат мустақиллик йилларидагина унга ўз эҳтиромимизни тўлиқ кўрсатишга муваффақ бўлди ва ҳазрат Навоийнинг обрў ва эътибори бутун қурраи замин бўйлаб янада кенг тарала бошланди. Мустақиллик шарофати билан Москва шаҳрида Навоийга ҳайкал ўрнатилди. Япония пойтахти Токиода ёдгорлик қад кўтариши арафасида. АҚШнинг Жоржия уни-

верситетида ҳазрат Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилиши тўғрисидаги хушхабарни эшитдик. Хитойда эса Ойбекнинг «Навоий» романи хитой тилида чоп этилди. Куни кеча Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари инглиз тилида нашр этилиши ҳам буюк бобомиз таваллуд кунига муносиб соваға бўлди.

Бугун шеърини, маънавият ва эзгулик байрами. Шу байрам билан барчангизни муобрақбод этаман...

Тадбирда шунингдек, Навоий ижодининг толмас тадқиқотчиси профессор Суйима



нинг сўз ишқи тўғрисидаги янги шеърини ўқиб бериши, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри Рихситилла Абдуллаевнинг Навоий қиёфасида чиқиб шоир ғазалларидан ўқиши ҳам йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Сўнг тадбирга йиғилган кенг жамоатчилик вакиллари Навоий хотирасига ҳурмату эҳтиром бахш этиб, буюк бобомиз ҳайкали пойига гуллар кўйишди.

Ҳазрат Алишер Навоий таваллудининг 563 йиллигига бағишланган тананали маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдурахмонов иштирок этди.

(Ўз мухбиримиз) **СУРАТЛАРДА:** Алишер Навоий номидаги Миллий богда ўтказилган тадбирдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солихов ва Абдувоҳид Тўраев (ЎЗА) олган суратлар.



Фаниева Навоий асарлари қаҳрамонларининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритди.

Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жак Андре Костий Навоий ҳаёти ва ижодига Францияда кўрсатилаётган эътибор хусусида тўхталиб буюк мутафаккир асарларидаги инсонпарварлик гоёлари, унинг фан ва санъатга кўрсатган ҳомийлиги тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Шоира Фарида Афрўз ўзи-

ЎЗБЕКИСТОН-АҚШ: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

АҚШ давлат департаментининг Европа ва Евроосиё мамлакатларига кўмаклашиш бўйича мувофиқлаштирувчиси Карлос Паскуал раҳбарлигидаги делегация аъзолари 6 февраль кунни мамлакатимизнинг қатор идора ва муассасаларида бўлди.

Музокараларда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг янги босқичга кўтарилишида Президент Ислам Каримовнинг 2002 йил АҚШга ташрифи чоғида имзоланган Стратегик шериклик ва ҳамкорлик асослари тўғрисидаги декларация муҳим омил бўлгани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, иқтисодиёт вазири Рустам Азимов билан учрашувда мамлакатла-

римизнинг иқтисодий ҳамкорлигига алоҳида эътибор қаратилди. Маълумотларга қараганда, ўтган йилнинг ўн ойи мобайнида Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги савдо айланмаси 312,5 миллион долларни ташкил этган. Музокарада бу кўрсаткични янада ошириш учун катта имкониятлар мавжуд эканлиги таъкидланди, ўзаро алоқалар кўламини кенгайтириш борасидаги фикрлар ўртага ташланди.

Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигидаги учрашувда Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлиги жадал ривожланиб бораётгани, савдо-иқтисодий муносабатларимиз стратегик шериклик даражасига кўтарилгани мамнуният билан қайд этилди. Бу йўналишдаги алоқаларни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Шу кунни АҚШ делегацияси Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Содик Сафоев билан ҳам музокара ўтказди. К.Паскуал Тошкент Давлат юридик институтининг Инсон ҳуқуқлари бўйича юридик клиникаси хузуридаги адвокатлик фирмасининг очилишида иштирок этди.

Мижозларга бепул хизмат кўрсатувчи мазкур фирма Америка юристлар уюшмасининг «ABA/CEELI» лойиҳаси асосида очилди.

ЎЗА

ХУШБАҲАРДИНГ САДОСИ

Барча маъбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Тошкентда Ўзбекистон Президенти хузуридаги Стратегик ҳамда минтақаларо тадқиқотлар институти ва Жорж Маршалл номли хавфсизлик муаммоларини ўрганиш Европа маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Марказий Осиёда минтақавий хавфсизлик» мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

● Тошкент вилоятида Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича пойтахт вилояти ташкилий кўмитасининг йиғилиши ўтказилди.

● Республика Акушерлик ва гинекология илмий-тектириш институтида янги даволаш усули йўлга қўйилди. Институт қошидаги «Янги инсон» репродукция маркази томонидан бепушлик касали даволанмоқда.

● Навоий вилоят агросаноат мажмуи раҳбарларининг ўқув семинарида ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш ва ҳосилдорликни ошириш масалалари кўриб чиқилди.

● Навоий тиббиёт коллежида замонавий спорт-соғломлаштириш мажмуаси фойдаланишга топширилди.

● Эллиқалъа тумани маркази — Бўстон шаҳридаги Алишер Навоий номи маҳаллада спорт мажмуи қуриб битказилди.

● Хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига «Хива-парранда» акционерлик жамияти ўз фаолиятини сезиларли даражада яхшилади. Ҳозир жамият томонидан истеъмолчиларга бир кунда 80 мингтадан тухум жўнатишмоқда.

Жаҳонда


● Покистон Президенти Парвез Мушарраф халқаро атом энергияси агентлигининг ушбу мамлакатда ўтказмоқчи бўлган текширувларига қатъий қарши турмоқда.

● Москва метрополитенининг Замоскворецк йўналишидаги «Павелецкая» ва «Автозаводская» бекатлари оралигида ҳаракатланаётган метро поездида террорчилик ҳаракати амалга оширилди. Кучли портлаш натижасида 39 киши ҳаётдан кўз юмди, 100 дан ортқ яраланганлар касалхоналарга ётқизилди.

● Индонезия шимолида рўй берган Рихтер шкаласи бўйича 6,6 ва 7 баллик ер силкинишлари натижасида 25 киши ҳаётдан кўз юмган.

● Кеча Россияда Фан кунни байрами нишонланди.

● Италиянинг Венеция шаҳрида бутун жаҳонга машҳур анъанавий карнавал бошланди. Бу галги карнавал «Шарқий экспрессда саёҳат» мавзусига бағишланди.



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Reuters ахборот агентлиги баъзи бир маълумотларга таянган ҳолда, Шимолий Кореяда сиёсий маҳбусларга нисбатан кимёвий қуроллар ишлатилаётганини айтиб ўтди.

Бу ҳақда Англиянинг Корея Халқ Демократик Республикасидаги собик ҳарбий атташеси Шимолий Кореянинг шимолий-шарқий ҳудудига жойлашган 22-сонли қамоқхона муассасасида маҳбуслар устидан олиб борилган тажрибалар ҳусусида ўз интервьюсида баён этган.

● «Файнэншл Таймс» газетасининг сайтида ёзилишича, Исроил ва Фаластин мухторияти вакилларидан ташкил топган экспертлар гуруҳи ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган дастурни тузишга қиришган. Мазкур ҳужжатнинг кўни кеча эълон қилинган лойиҳасида Исроил ва Фаластин мухторияти ўртасида эркин савдо ҳудудини барпо этиш ва бир-бирининг бозоридида эркин фаолият юритиш учун шароит яратиш биринчи галдаги вазифа сифатида белгиланган.

● Индонезиянинг «Ислом жамоаси» экстремистик гуруҳи янги терактларни амалга ошириш учун тайёргарлик кўрмоқда, дея хабар беради BBC News.

Австралия ташқи ишлар вазири Александр Даунер терроризмга қарши курашга бағишланган Халқаро конференцияда сўзлаб маърузасида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтган. Унинг билдиришича, Индонезия ҳукумати томонидан 200 га яқин аъзоси қўлга олинганга ҳам қарамадан, экстремистлар гуруҳи халиҳамон ўзининг «кучини» сақлаб турибди.

● Австралия ҳукумати мудофаа ишлари учун сарф-харажатларни кескин оширишини эълон қилди. Яқин уч йил ичида мамлакатнинг ҳарбий бюджети 14,6 миллиард долларни ташкил қилиши мумкин. 2014 йилга бориб австралияликлар мудофаа ишлари учун 28 миллиард доллар сарфламоқчи.

● Microsoft компанияси вакилларининг тарқатган хабарларига кўра, My Doom деб номланган хавфли вирус ҳужумини компания мутахассислари йўққа чиқарганлар. Вирусни кашф этган «тадқиқотчилар»нинг режаларига қараганда, My Doom вируси билан «касалланган» компьютер бир дақиқа ичида Microsoft серверлари ишида узилишларга олиб келиши кўзда тутилган эди.

● Мўъиззалар ва ихтиролар макони Япониянинг Seiko EPSON компанияси Токиода бўлиб ўтган навбатдаги Халқаро кўргазмада дунёдаги энг кичик ва ёнгил робот-вертолётни намойиш этди.

Тўрт гилдиракли бу роботнинг оғирлиги атиги 10 грамм, бўйи эса 7 сантиметр келади. У шунчаки рекорд орқасидан қувиб ихтиро этилган эмас. Махсус камера ўрнатилган робот-вертолёт зилзила, сув тошқини, ёнғин каби турли фалокат рўй берган жойларда бутун тафсилотни аниқлаш ва тегишли чоралар қўришда энг яхши восита деб баҳоланмоқда.

Ўзбекистон «Камолот» Ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши раиси Ботир Убайдуллаев фикрига қараганда, ҳисобот-сайловларнинг бешинчи кунига қадар Тошкент шаҳри туманлари Кенгашлари орасида биринчилар қаторида Сергели тумани бўлган бўлса, айна пайтда солибликка даъвогар фақат Юнусобод тумани бўлиб қолмоқда. Хўш, юнусободлик камолотчиларнинг бошқалардан устунлиги нимада?

Ўтган икки ярим йил мобайнида «Камолот» сафига ёшларни жалб этиш бўйича қилинган талай амалий ишлар натижаси ўлароқ салмоқли натижаларга эришилди десак муболаға бўлмайди. Жумладан, ҳаракат ташкил қилинган даврда унга 38 минг ёшлар аъзо бўлган бўлса, 2003 йилнинг якунига ушбу рақам деярли бир ярим баравардан кўпроққа ошди. Бугунги кунда ҳаракатнинг Юнусобод тумани бўлими томонидан ўз ихтиёрига кўра 60108 ўғил ва қизлар «Камолот» сафига қамраб олишга эришилди. Қолаверса, аъзолар нафақат мактаб ўқувчиларидан иборат — «Камолот»нинг бошланғич ташкилотлари тумандаги 4 та олий ва 12 та ўрта-махсус ўқув юрталари, шунингдек 20 та йирик корхоналарда ташкил этилган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, жойлардаги «Камолот» ташкилотларининг деярли 80 фоизи учун компьютер, бошқа зарурий техника воситалари билан тўлиқ жиҳозланган, алоҳида хоналар ажратилган. Умуман олганда эса, ҳисобот даврида туман ёшлар дастурининг барча бандлари бажарилган деса бўлади. Туман Кенгаши айна пайтда республика бўйича кенг кулоч ёнган «Сиз қонунни биласизми?» танловининг ташаббускори ҳисобланади. Бу борада «Камолот»га Тошкент юридик институти доимий равишда ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ёшлар, айнақса вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича кўп ишлар қилинди. Профилактик ҳисобда турган тарбияси оғир болалар би-

лан мунтазам олиб бориладиган ишлар ҳам ўз ижобий самарасини бермоқда, хусусан бу борада ҳарбий қисмларга уюштирилаётган сафарлардан болалар катта таассуротлар олганлиги, уларнинг ўз хулқ-атворларини ўзгартиришга, яхши ўқишга ҳаракатлари ошганини кузатиш мум-

қари, илмий ишини ҳам ҳимоя қилишга тайёргарлик кўрмоқда. Лекин нима учун у айнан «Камолот»ни танлади?

— Ўзимни мажбуран ишонтирмоқчи эмасману, лекин эгаллаган касбимда ҳам, ҳозирда қилаётган ишимда ҳам узвий ва мантиқий боғ-

лиқлик бор, у ҳам бўлса ўсиб келаётган авлоднинг манфаатлари ва муаммолари. Бу борада тиббиёт соҳаси вакили сифатида ўзимни нечоғлик масъулиятли деб ҳисоблаётган бўлсам, ёшлар ичида бевосита банд бўлиб, уларнинг орзу-умидлари, интилишлари рўёбга чиқиши ва муаммолари ҳал этилишига ўз ҳиссамни қўшиш ниятида шу ишларга қўл урдим.

Агарда туманимиз ёшлари менга яна ишонч билдиришса, келгусидаги режаларимизнинг ҳам амалга ошишига бор кучимни сарфлашга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, конференцияда Маҳмуд Асомов ноанъанавий усулда — фотосуратлар ва видеотасмалар орқали кўргазмали равишда ҳисобот бергани кўпчилик томонидан эътироф этилди ва конференция делегатлари ҳамда тақлиф этилганларнинг катта олқишларига сазовор бўлди. Тўғри, туманда ўзига яраша камчиликлар, тезкор равишда бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳам йўқ эмас. Жумладан, меҳнат жамоаларида бошланғич ташкилотларни ташкил этиш, ҳаракатнинг болалар ташкилотларини умумтаълим мактабларида кенг тартибда, маҳаллаларда педагог-тарбиячиларга бўлган вақант жойларни тажрибали мутахассис кадрлар билан ўлдирини, тарбияси оғир болалар билан профилактик ишларни кенгайтириш каби биринчи навбатдаги ишлар амалда тасдиғини топиши лозим. 60 мингдан зиёд туман камолотчилари номидан сайлаш ҳуқуқига эга ваколатли конференция делегатлари ва ишларнинг барини Маҳмуд Асомов бошчилигида амалга ошириш мумкинлигига ишонч билдиришди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

«Камолот»

ЁШЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ТАЯНЧИГА АЙЛАНГАН ҲАРАКАТ

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бошқич ҳисобот-сайлов йиғилишлари поёнига етмоқда. Энди ҳаракатнинг сўнги — Яқкасарой ва Ҳамза тумани Кенгашлари икки ярим йил давомида амалга оширган ишлари юзасидан ўз сайловчилари олдида ҳисоб берадилар. Шундай бўлсада, дастлабки натижаларга кўра таққослама равишда биринчи хулосаларни билдириш, шунингдек энг яхши туман Кенгаши ҳамда энг фаол туман сардорини аниқлаш имконияти бор.

кин. 2003 йилда «Камолот» ёрдамида 517 нафар ёшлар ўз хоҳишлари бўйича ишга жойлаштирилган (2002 йилда — 327 та). Бошқа туманларга таққослаганда бу яхши кўрсаткичдир. Туманда жойлашган 50 та маҳалланинг ҳар бирида турли спорт мусобақалари уюштирилиб, уларга 4 мингдан зиёд ёшларни жалб қилишга эришилди. Камолотчилар ободонлаштириш, санитар тозалаш ишлари, кам таъминланган оилаларга турли кўринишда ёрдам кўрсатиш, 21 ва 31- меҳрибонлик уйларида кўчма театрлаштирилган тadbирларни мунтазам ўтказишда ҳам фаол ташаббускордир...

Ушбу яхши ишларнинг барчаси назардан четда қолгани йўқ, албатта. Ҳозирги кунда туманининг 16 нафар сардорларидан 7 киши «Камолот» ЁИХ шаҳар Кенгашига сайланган.

Барча эришилган ютуқлар ва муваффақиятларда, қолаверса, ҳисобот-сайлов конференцияси делегатлари таъбири билан айтганда, «Камолот»нинг нафақат танилиши, балки тан олинishiда ҳам туман Кенгаши раиси Маҳмуд Асомовнинг ҳиссаси каттадир. Маҳмуд ҳали ёш бўлишига қарамай иккита мутахассислик соҳибидир. У хирург-педиатр, тез орада юридик институтни ҳам тамомлаш арафасида, бундан таш-

Тошкент шаҳар ҳокимлиги «Меҳр ва мурувват йили» дастури доирасида тadbирлар режасини ишлаб чиқди. Ушбу режа авваламбор, кам таъминланган оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган қишлоқлар, ёлғиз қарияларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шу билан бирга, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, юртошларимизни меҳр ва мурувват руҳида тарбиялаш, жойларда маърифий тadbирларни ўтказиш орқали миллий анъаналар ҳамда қадриятларини мустаҳкамлаш бўйича муайян чора-tadbирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

2004 - Меҳр ва мурувват йили

«Меҳр ва мурувват» дастури амалда

Меҳр ва мурувват йилига бағишланган кўплаб тadbирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ҳашарлар ўтказиш, меҳрибонлик уйлари ободонлаштириш ва таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу муассасаларда турли маданий тadbирлар ўтказилапти, улар энг кенаракли буюмлар, озиқ-овқат, кийим-кечак, ўқув анжомлари, дори-дармонлар билан

таъминланаптир. Шунингдек, дастур доирасида пойтахт ёшлари учун янги иш ўринларини ва меҳнат ярмаркаларини ташкил этиш, аҳолига тиббий, савдо, маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш, маҳаллалар, мактаблар ҳамда интернатларда турли спорт мусобақаларини уюштиришга доир ишлар амалга оширилмоқда.

Қадрлар тайёрлаш миллий дастури - амалда

ЯНГИ ЛОЙИҲА, ЯНГИ ДАРСЛИКЛАР

Қадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичини амалга оширишда таълим сифатини янада юксалтириш, замон талабига мос дарсликларнинг янги авлодини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида бу борада салмоқли ишлар амалга оширилипти. Таълим муассасаларига тўрт юз номдан зиёд янги ўқув адабиётлари тарқатилди. 58 номдаги электрон дарслик ва компьютер дастури ўқув жараёнига жорий этилди.

Бунда чет эл инвестиция лойиҳаларини кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Марказнинг Германия техникавий ҳамкорлик жамияти ва KfW банки билан ҳамкорликда янги лойиҳасига кўра ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва ўқув адабиётлари ҳам яратилди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институтига ўтган республика семинарида янги лойиҳа доирасида ўқув адабиётларини яратиш мезонлари, бу борадаги жаҳон тажрибаси ҳусусида фикр алмашилди.

Назкат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

Саҳна

ЖОЗИБАЛИ
ТАРОНАЛАР

Ўзбекистон бастакорлари учун ўтган йил самарали бўлди. Уларнинг ижодий изланишлари янгли қатор янги симфония, оратория, оркестр асарлари юзага келди.

Шуниси қувонарлики, ана шундай жозибдор асарларни яратишда истеъдодли ёш ижодкорлар фаоллик кўрсатдилар. Шу ўринда А.Хошимовнинг биринчи симфониясини кўрсатиб ўтиш жоиздир. Мазкур ижод намунаси «Давр садолари» фестивалида муваффақият қозонди. Таниқли бастакор Шоиста Шоймардонованинг навбатдаги йирик муסיқаси скрипка ва симфоник оркестр ижросида янгради.

Бастакорлардан Рустам Абдуллаев, Феликс Янов-Яновскийлар яратган янги асарлар ҳам тингловчиларда яхши таассурот қолдирди. Нуриддин Гиёсовнинг ўн иккинчи симфонияси ҳам муסיқа оҳангларига бойлиги билан ажралиб турибди.

Бу ва шунга ўхшаш ижод намуналари Ўзбекистон Давлат Консерваторияси концерт дастуридан ўрин олди.

ТЕАТР
САҲНАСИДА
БИРИНЧИ
МАРТА

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри репертуари янги асарлар билан бойиб бормоқда. Санъат кошонаси ижодий гуруҳи янги 2004 йилда ҳам мухлисларни қизиқарли спектакллари билан мамнун этади.

«Гофман эртаклари» деб номланган машҳур опера ҳам томошабинларга тақдим қилинди. Атоқли композитор Жак Оффенбах ижодида мансуб ушбу асар театр саҳнасида биринчи бор олиб чиқилмоқда. Шу боисдан катта масъулият билан бу йшга киришилди.

Янги опера театрининг етакчи дирижёри Андрей Слоним томонидан саҳнага олиб чиқилди.

НАВОЙ
АСАРИНИНГ
МУСИҚАВИЙ
ТАЛҚИНИ

Таниқли бастакор Муштафа Бафоев ўзининг навбатдаги йирик муסיқа асарини «Лисон-ут тайр» деб номлади.

Зеро, улуг шоир Алишер Навоийнинг асари асосида ёзилган янги муסיқада шоир ижодида хос бўлган халқчиллик гоёси ўзига хос муסיқа оҳанглари орқали тараннум қилинади.

Янги муסיқа Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри концерт дастуридан ўрин олди. Ўзбекистон халқ артисти, моҳир дирижёр Зоҳид Ҳаназаров раҳбарлигида у муסיқа шинавандаларига тақдим этилди.

Акбар АЛИЕВ

Машаббус — 2004

ОМАД ЁР БЎЛСИН

Пойтахтимизда ҳар йили анъанага кўра «Ташаббус» кўрик-танлови ўтказилиб, у шаҳримизда фаолият кўрсатаётган энг яхши тadbиркор ва хунармандларни эл-юртга танитишда катта аҳамият касб этмоқда. Шу боисдан ҳам Тошкент шаҳар ҳокимининг «Тошкент шаҳар ҳокимияти соврини учун Республика «Ташаббус-2004» танловининг шаҳар босқичини ўтказиш тўғрисида»ги қарорига кўра ушбу танловнинг туман босқичлари бошлаб юборилди. Биз бу ҳақда Тошкент шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси ярмарка савдолари ва кўргазмалар ташкил этиш департаменти бошлиги Саидвали САИДУМАРОВ билан суҳбатлашдик.

— Айтингчи, «Ташаббус» кўрик-танловини кимлар иштирок этади?

— Танлов энг яхши тadbиркор ва хунармандларни излаб топиш, тadbиркорлик фаолиятини оммалаштириш, тadbиркорнинг касб малакаси, таълим даражасини ошириш, экспортга йўналтирилган ва хориждан келтириладиган маҳсулот ва хизматлар ўрнини босувчи ишлаб чиқаришларни кенгайтириш мақсадида ўтказилмоқда. Демак, ўз фаолияти давомида энг яхши кўрсаткичларга эришган, истеъмол маҳсулотларининг сифат хусусиятларини яхшилаш бўйича тўла ва батафсил маълумот топширган ёки ўзига хос лойиҳа ишлаб чиққан кичик ва хусусий бизнес корхоналари эгалари ҳамда раҳбарлари, хунармандлар ва халқ амалий санъати усталари танловда иштирок этиб, ўз маҳоратларини намоян этишлари мумкин.

Албатта, бунинг учун талабгорлар кўп бўлди ва танлов ҳайъати уларнинг 204 нафарини кўрик-тан-

ловда қатнашиш учун танлаб олди.

— Танлов қандай йўналишлар бўйича ўтказилмоқда ва голибларни нималар кутмоқда?

— Танлов анъанага кўра икки йўналишда ўтказилиб «Энг яхши тadbиркор» ва «Энг яхши хунарманд» аниқланади. Туман босқичида голибликни қўлга киритганлар шаҳар босқичида иштирок этади. Танловнинг шаҳар босқичида биринчи ўрин эгаларига I даражали диплом ва Тошкент шаҳар ҳокими соврини топширилади. II ва III ўрин эгаларига ҳам диплом ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилади. Ҳар икки йўналиш бўйича танловнинг шаҳар босқичида I-ўринни эгаллаган тadbиркор ва хунарманд Республика танловида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Голибларни тақдирлашга келсак, бу иш танлов ташкилотчилари ва ҳомийлар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилиб, танлов иштирокчи-

ларига ҳам махсус совринлар топширилади. Ушбу совринлар маҳаллий шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда, шу ҳудуд учун энг долзарб иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ натижаларга эришган иштирокчиларга маълум йўналиш — яъни «Энг яхши тadbиркор аёл», «Энг ёш тadbиркор», «Энг янги технология учун», «Энг интизомли солиқ тўловчи», «Маҳалланинг ривожланиши ва ободлигига улуш қўшган энг яхши тadbиркор» ва бошқа йўналишлар бўйича топширилади.

— Сизнингча, бу йилги танловда янги номлар кашф этиладими?

— Албатта кашф этилади. Негаки, қатнашчиларимиз орасида иқтисодий-ижтимоий раванга йўлида тинмай изланаётган, импорт ўрнини босувчи ва экспортбop маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, халқ амалий санъатини жаҳонга кўз-кўз қилаётган тadbиркор ва хунармандларимиз кўпчиликини ташкил этади. Энг муҳими эса уларда ташаббус, янгиликка интилиш кучи. Жумладан, танловда «ROYSON», «CREEN WORLD» қўшма корхоналари, «Қанот-С», «Фармед», «Озиқ-овқатсавдо» хусусий фирмалари янги маҳсулотларини намойиш этишади.

Шу бугундан танловнинг туман босқичи бошланди. Фурсатдан фойдаланиб барча танлов иштирокчиларига омад ёр бўлишини тилаймиз.

Шарифа ИЛЁСОВА ёзиб олди.



Болалигим энг бегубор кунларим.

“ЭКОСАН” МУРУВВАТИ

“Экосан” халқаро жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан Собир Раҳимов туманидаги 100-интернатда хайрия тadbирини ўтказилди.

“Экосан” халқаро жамғармаси ва унинг Тошкент шаҳар бўлими 2004 йилни Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилиниши муносабати билан “Экосан - меҳр-мурувват йўлида” мақсадли дастурини ишлаб чиқди. Айни пайтда дастур изчиллик билан амалга оширила бошланди. Мазкур дастурга мувофиқ, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисми, меҳрибонлик уйлари, махсус интернатлар, мурувват уйларига, боқувчисини йўқотган

кўп болали аёлларга, ёлғиз қарияларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш белгиланган. Тadbирда “Экосан” халқаро жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Иброҳим Комиллов интернат тарбияланувчиларига озиқ-овқат маҳсулотлари, камқонликнинг олдини олувчи гематоген воситаси ва болалар пойабзалларидан иборат бўлган, жами 520 минг сўмлик мурувват ёрдамини топширди.

С. НАЗАРХЎЖАЕВА,
“Туркистон-пресс”

ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ
ҲАМКОРЛИК

Тошкент Давлат техника университети қошидаги академик лицейда мамлакатимиздаги барча академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида ахборот телекоммуникация технологиялари бўйича мутахассислар тайёрлашга қаратилган лойиҳа доирасида семинар ўтказилди.

Мазкур лойиҳа Республика Вазиранг Маҳкамасининг “Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот телекоммуникация технологияларини жорий этиш чора-тadbирлари тўғрисида”ги қароридан белгиланган вазифаларини бажариш йўлида Германиянинг тикланиш кредит банки томонидан ишлаб чиқилди.

Германия техник ҳамкорлик жамияти мазкур лойиҳа концепциясини ишлаб чиқиб, ахборот технологиялари ўқитувчи-педагоглар малакасини оширади. Лойиҳанинг молиявий ҳамкори бўлган Тикланиш кредит банки зарур жиҳозлар билан таъминлаш, ўқув қўлланмаларини кўпайтириш билан шугулланади. Мамлакатимизда мазкур фан янги бўлсада, сўнгги йилларда уни ўқитишда маълум тажрибалар орттирилди. Германия эса бу борарда анча ривожланган мамлакат ҳисобланади.

— Айни пайтда Ўзбекистоннинг ўнта ўрта махсус таълим муассасалари билан ишламоқдамиз, - деди лойиҳа раҳбари Томас Лукус. - Лойиҳани тузишдан олдин Ўзбекистондаги кўплаб корхона ва ташкилотларда сўровлар ўтказдик. Касб-хунар коллежларининг ўқувчиларига мўлжалланган бу дастур уч йил мобайнида ўқитилади. Улар белгиланган йўналишлар бўйича тайёр мутахассис бўлиб этишиб чиқашди.

Ахборот ва телекоммуникация технологиялари бўйича таълим йўлидаги ҳамкорлик доирасида шу пайтга қадар иккита семинар ўтказилган эди. Соҳа мутахассислари лойиҳани маъқул топишса, Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги шартнома асосида кейинги ўқув йилидан бошлаб, у амалиётга жорий этилади.

И. ЭГАМҚУЛОВА,
“Туркистон-пресс”

БУҒУЧ — АЛИШЕР НАВОЙИ ТАВАЛЛУД ТОНТАН ҚУЧ



«АГАР ИШҚИНГ ҲАВОСИДА...»

Бир газал шарҳи

Республикамиз вилоятларидаги илмий жамоатчилик билан алоқани мустаҳкамлаш, Навоий анжуманларига жойлардаги илмий кучларни кенгроқ жалб қилиш мақсадида вилоятлар марказларида кўчма конференциялар ўтказиш мақсада мувофиқ кўрилиб, Бухорода, Наманганда ва Андижонда Навоий анжуманлари ўтказилган эди. Унда олимларимиз кўплаб маъруза ва илмий ахборотлар тақдим этганлар. Бу қизиқарли илмий янгилликларга бой дастур юзасидан баҳслар қилинган, мулоҳазалар билдирилганди.

Табиийки, Андижондаги Навоий номидagi мактабда ҳам учрашув, шеърхонлик, концертлар бўлиб ўтган эди. Ушбу тadbирларда Ўзбекистон халқ артисти, хушовоз ҳофиз Фаттоҳхон Мамадалиев фаол иштирок этган эди. Устоз санъаткор репертуарларида Навоий ғазаллари билан айтиладиган маком ва кўшиқлар алоҳида ўрин тутар эди. Уша кuni устоздан: «Ҳофиз ва шеърият билимдони сифатида ўзингиз ғазаллар битиб юрасиз. Навоийнинг қайси ғазалини алоҳида дардил бил хис-ҳаяжон билан қуйлайсиз?» — деб сўраганимизда устоз куйидаги ғазалини ўзлари басталган куйда ижро этиб берган эдилар:

Агар ишқинг ҳавосинда ёғар ҳар жола тош ўлсун,
Нишона ҳар бирига дермен ушбу ҳаста бош ўлсун.
Юзунгнунг меҳридин бир зарра сотмон, гар фалак жавфи,
Тўла бўлсун филурий, ҳар филурий бир қуёш ўлсун.
Ситам зангин темирдек кўнглидин, ваҳим, қира олмас.
Нечаким нолаи зоримда сўхондек харош ўлсун.
Қуёшни бўлмас, эй гардун, ул ойга айламак ташбих,
Оғиз гар зарра, Чўлпон кўз, янги ой анга қош ўлсун.
Агар пайконларинг кўз истабон топти кўнгул, гам йўқ,
Келиб йиғлар маҳал ул қатра сулар кўзга ёш ўлсун.

Сипохи хусунгга бир маҳчаси рахшон алам бўлғай.
Қуёш кўзусига оҳим сутуни гар тутош ўлсун.
Кўнгулда сирри ишқин асрай-асрай ўлдум, эй соқий,
Қадаҳ тутким, Харобот аҳлига фош ўлса, фош ўлсун.
Кўнгулга жон била бир доғинг оздур, қўй яна бир ҳам,
Неча икки гадога бир дирам узра талош ўлсун.
Уларда тенгдурур ар шох айласун гулшан гулин мафрош
Вагар гулхан кули узра гадо соҳиб фиरोш ўлсун.
Навоий ашк дурридек тиларким кўзда ер бергай.

Агар ишқинг ҳавосинда ёғар ҳар жола тош ўлсун,
Нишона ҳар бирига дермен ушбу ҳаста бош ўлсун.
Юзунгнунг меҳридин бир зарра сотмон, гар фалак жавфи,
Тўла бўлсун филурий, ҳар филурий бир қуёш ўлсун.
Ситам зангин темирдек кўнглидин, ваҳим, қира олмас.
Нечаким нолаи зоримда сўхондек харош ўлсун.
Қуёшни бўлмас, эй гардун, ул ойга айламак ташбих,
Оғиз гар зарра, Чўлпон кўз, янги ой анга қош ўлсун.
Агар пайконларинг кўз истабон топти кўнгул, гам йўқ,
Келиб йиғлар маҳал ул қатра сулар кўзга ёш ўлсун.

Нишона ҳар бирига дермен ушбу бош ўлсун.
— жола-дўл.
Агар ишқинг ҳавосида ёғадиган ҳар дона дўл тош бўлса,
Мен ҳар бирига бошим нишона бўлсин дейман.
Бу байтдаги ҳаво сўзида ийхом бор, яъни ийхом шеърий санъатга кўра икки маъноли сўз ишлатилган. Ҳаво-оби ҳавони, осмон, ҳавас, орзу, жистак, иштиёқ, майлни ҳам англатади.

Юзунгнунг меҳридин бир зарра сотмон, гар фалак жавфи,
Тўла бўлсун филурий, ҳар филурий бир қуёш бўлсун.
— фалак жавфи-осмон бўшлиғи.
— филурий-тилла танга.
Юзингга бўлган меҳрдан, муҳаббатдан бир зарра сотмайман; агар осмон бўшлиғи тилла тангаларга тўла бўлса ҳам ва уларнинг ҳар бири бир қуёш бўлса ҳам.
Ситам зангин темирдек кўнглидин ваҳим, қира олмас,
Нечаким нолаи зоримда сўхондек харош ўлсун.
— сўхон-эгов, арра
— харош-тарашлаш, тирнаш, қириш.
Эвоҳ, менинг темирдек кўнглимдаги ситам-жабр-жафо зангини нолаи зорларим эгов каби нечоғлик қиртишласамин уни кеткиза олмайди.
Қуёшни бўлмас, эй гардун, ул ойга айламак ташбих, гам йўқ,
Оғиз гар зарра, Чўлпон кўз, янги ой анга қишлоқ ўлсун.
— ташбих-ўхшатиш.
— Чўлпон-тонг юлдузи.
— қишлоқ-янги ой.
Эй осмон, ул қуёшни (яъни, қуёшдек ёник чехрали маҳбубани) ойга ўхшатиб бўлмайди: гарчи унинг оғзи-заррадек кичик, кўзи-тонг юлдузидек чакноқ, янги чиққан ойдек эгилма қоши бор бўлса ҳам.
Агар пайконларинг кўз истабон топти кўнгул, гам йўқ,
Келиб йиғлар маҳал ул қатра сулар кўзга ёш ўлсун.
Кўзга отган ўқларинг юракка қадалди, ҳечқиси йўқ, йиғлаш пайти келганда биз маҳасин сувдек оқсин.
Сипохи хусунгга бир маҳчаси рахшон алам бўлғай,

Қуёш кўзусига оҳим сутуни гар тутош ўлсун.
— сипоҳ-лашкар
— маҳча-туғ, байроқ учидagi олтин ёки қумуш ярим ой шакли.
— рахшон-порлоқ, ялтироқ.
— алам-байроқ.
— кўз-буқр, эгилган.
— сутун-устун.
Хуснинг лашкарига порлоқ туғли байроқ бўлганидек,
Еник оҳларим устуни букрисига офтоб тутош бўлсин.
— бу ерда қуёш айланаси буқрга ўхшатишмоқда.
Кўнгулда сирри ишқин асрай-асрай ўлдум, эй соқий,
Қадаҳ тутким, Харобот аҳлига фош ўлса, фош ўлсун.
— Харобот-вайрона жой, мажозий маънода майхона, ирфоний маънода эса нафсоний, ёмон ахлоқий одатлардан фориғ бўладиган жой.
Эй соқий, кўнгулда ишқ сиррини асрай-асрай ўлиб бўлдим. Энди қадаҳ тут, Харобот аҳлига бу сир фош бўлса бўлсин.
Кўнгулга жон била бир доғинг оздур, қўй яна бир ҳам,
Неча икки гадога бир дирам узра талош ўлсун.
— Кўнгулга, жонга бир доғ солдинг, яна бир доғ қўйгин.
Икки гадо (яъни кўнгул ва жон) бир қумуш танга (яъни битта доғ) ни талашмасинлар.
Уларда тенгдурур ар шох айласун гулшан гулин мафрош,
Вагар гулхан кули узра гадо соҳиб фироси ўлсун.
— ар-агар.
— мафрош-палос, гилам.
— фирос-кўрпа-тўшак, ўрин.
Ўлим юзланганда гулшан гулларининг устида ўрин тутган шох ҳам, кўрпа-тўшаги гулшан кули бўлган гадо ҳам тенгдурлар.
Навоий ашк дурридек тиларким кўзда ер бергай,
Агар ишқинг ҳавосинда ёғар ҳар жола тош ўлсун.
Агар ишқинг ҳавосида (иштиёқда) дўл ёғгудек бўлса, Навоий худди кўз ёшларидек билиб кўзларидан жой беради.
Мухтарам оқшомхонлар, анчайин идрок этиш қийин маъно жилоларига эга бу ғазалдаги ошқона адолар замирида орифона фикрлар ва ижтимоий мулоҳазаларни ҳам ўқиш мумкин.
Суйима ФАНИЕВА

Мақдимои

СПЕКТАКЛНИНГ ЯНГИ ТАЛҚИНИ

Мамлакатимизда буюк мутафаккир бобокалонимиз, шоир Низомиддин Мир Алишер Навоий таваллуди кенг нишонланмоқда.



Улуг алломанинг таваллуди га бағишлаб Ўзбек Миллий академик драма театри жамоаси «Алишер Навоий» номли янги талқиндаги спектаклни сахналаштирди. Кунни кеча театрдa ушбу спектаклнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Шунинг мамнуният билан таъкидлаш керакки, танкили адиблар Уйғун ва Иззат Султон қаламига мансуб «Алишер Навоий» спектакли 50 йилдан буён театр сахнасида намойиш этиб келинмоқда. Маълумки, спектаклдаги Алишер Навоий ролини биринчи бўлиб танкили санъаткорларимиз Олим Хўжаев, Аброр Ҳидоятлов ва Ёқуб Аҳмедов зўр маҳорат билан ижро этганлар.



Янги талқиндаги ушбу спектаклни эса Ўзбекистон халқ артисти, профессор Турғун Азизов сахналаштирган. Спектаклдаги асосий ролларни — улуг сиймоларнинг ёшлигини актёрлар Рихситилла Абдуллаев — (Алишер Навоий), Гулчехра Эшонкулова — (Гули), Меҳридин Раҳматов — (Хусайн Бойқаро), шунингдек, Алишер Навоийнинг кексалик даврини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Исмоилов, Хусайн Бойқаро ролини эса Ўзбекистон халқ артисти Мухаммадали Абдуқундузов моҳирона ижро этганлар.

— Аввало катта ишонч билан шундай улуг мутафаккир роли менга топширилганидан ниҳоятда бахтиёрман. Лекин ростини айтсам жуда ҳаяжонландим,—дейди актёр Рихситилла Абдуллаев. — Бу буюк аллома образини халқимиз таниқли устоз санъаткорлар ижросида кўриб келишган. Энди томошабинлар қай даражада қабул қилишаркин, деган хавотирда бўлдим. Айниқса Навоийнинг тили шеърий йўсинда бўлгани учун бироз қийин кечди албатта. Менга Ўзбекистон халқ артисти Рихси Иброҳимов, Розия Саидқосимова ва бошқа устоз санъаткорлар катта ёрдам беришди. Улардан миннатдорман.

Ҳақиқатан ҳам янги талқиндаги ушбу спектаклдаги образларни ижро этган санъаткорлар ҳар бир хатти-харакатларида, гапларида ўша давр руҳини очиб беришга астойдил ёндашганлар. Спектакль томошабинлар томонидан илҳ қарши олинди.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТЛАРДА: «Алишер Навоий» спектаклидан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

«ЛИСОН УТ-ТАЙР» ИНГЛИЗ ТИЛИДА

Улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий асарлари нафақат ўзбек тилида, балки неча ўнлаб тилларга таржима қилиниб дунёга машҳур бўлмоқда. Буюк шоирнинг таваллуди олдида «Лисон ут-тайр» — «Қуш тили» асари инглиз тилида босмадан чиқди. Уни Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг таржимонлик факультети декани, филология фанлари номзоди Носир Қамбаров, канадалик олим, Америкадаги «SAFE» хайрия ташкилотининг мамлакатимиздаги вакили Гарри Дик ва инглиз тили ўқитувчиси Турсунхўжа Маҳмудхўжаевлар ўзбек тилидан инглиз тилига ўйрганлар. Китобда асар мазмунига оид расмларни расом Бахтиёр Муродов, китоб безакларини эса Тоир Болтабоев яратганлар. Инглиз тилида нашр қилинган ушбу нодир асар мазмуни билан энди хоризжилик дўстларимиз ҳам яқиндан танишиш имкониятига эга бўладилар. Лобар ФОЗИЛОВА

Алишер НАВОЙИ

ҒАЗАЛЛАР

Бас ажабдур гар манга ул дилрабо қилғой вафо
Кимга умр этти вафоқим, ул манго қилғой вафо.
Чун вафосиздур қаро кўзлар санга ҳам, эй кўнгул,
Мумкин эрмастурки ул кўзи қаро қилғой вафо.
Мен жафо тортарга хўй эттимки, йўқ имкониким,
Ул жафожў то қила олғай жафо, қилғай вафо.
Чун менинг дардим паривашлар жафосидин дурду,
Ушбу дардимга магарким ҳам даво қилғой вафо.
Қил вафо ушшоқинга, эй шўхким, ногоҳ агар
Бир пари ишқига зор ўлсанг, санго қилғой вафо.
Давринг ифлосидин май ички, жоҳ аҳлига ҳам
Айламон боварки, бу дайри даго қилғой вафо.
Айтса бўлғай замон нодони, жоно, ониким,
Жон бериб аҳли замондин мудадо қилғой вафо.
Ўзга ойлардин вафо нақл этсалар манъ айламон,
Лек инонмон ониким, ул бевафо қилғой вафо.
Эй Навоий, кўп вафодин дема сўзким, айби бор,
Фаҳр ишқ ичра агар бир бенаво қилғой вафо.
Эй кўнгул, ҳолимга ул ой раҳм қилгудек эмас,
Зорлиғ бирла ишим андин очилгудек эмас.
Ишқида расволиғим ул навъ бўлди фошким,
Зухду исмат пардаси бирла ёпилгудек эмас.

Жоми ишқидин кўнгул ул навъ эрур масти хароб,
Ким қиёмат базмига тегру айилгудек эмас.
Ўйла ишқи даштида мажнун кўнгул оворадур,
Ким парилар истаган бирла топилгудек эмас.
Соқиб, лаълинг майидин гар иложе қилмасанг,
Бу хуморим лаъли май бирла ёзилгудек эмас.
Дард ўтин қилгон ҳавас аввал кўнгулди ўртакдик
Ким, ул ўт ҳар хом кўнгулга ёқилгудек эмас.
Эй Навоий, ул паривашдин вафо кўз тутмағил,
Ким жунун аҳлини асло кўзга илгудек эмас.
Сени кўргач, дор эдим бир меҳрибоним бор эмиш,
Оллоҳ-оллоҳ, не бало ботил гумоним бор эмиш.
Оразинг моҳияту оғзинг сўзни шарҳ айларам,
Ваҳ, не таъби поку зеҳни хурдадоним бор эмиш.
Чок қил кўксумни, эй бадмеҳр, токим билгасен,
Тиғи ҳажрингдин не навъ озурда жоним бор эмиш.
Не ҳаёт эрди, ўлар ҳолимдаким кўргач мени,
Ноз ила деди, ҳануз ул нотавоним бор эмиш.
Жавҳари ишқин олурга халқ маҳфий нақдидек
Жон ичинда бир неча доғи ниҳоним бор эмиш.
Юз гамим бор эрди, муг кўйига киргач бўлди дафъ,
Ваҳки, мен гофил, ажаб дорул-амоним бор эмиш.
Дерки, ёлқибмен Навоий униндин, ваҳ, яхшидур,
Ким тирикликтин нишонтек бир фиғоним бор эмиш.

Мақбурлар

ШЕЪРИЯТ ШУУРИ

Шеърият мулкининг султони, буюк ғазалнавис шоир Алишер Навоийнинг таваллуд кунини муносабати билан шаҳримиздаги олий ўқув юртиларида, коллеж ва мактабларда турли хил тadbирлар ўтказилмоқда. Ана шундай тadbирлардан бири кеча шаҳримиздаги 123-мактабда бўлиб ўтди. «Шеърият шуури» деб номланган мазкур кенча мактаб ўқувчилари катта маҳорат билан шоирнинг ғазалларидан парчалар ўқидилар, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonлари асосида тайёрланган сахна кўринишларини 5-«В» синф ўқувчилари зўр иштиёқ билан ижро этиб, йиғилганларнинг олқишларига сазовор бўлдилар. Айниқса 5, 6, 7-синф ўқувчиларининг шоирнинг беш дostonини ўз ичига қамраб олган бебаҳо «Ҳамса» асари асосидаги «Баҳру байт» айтишувлари кўпчиликка манзур бўлди. Буюк мутафаккирнинг Сарви гулнинг соясига сўлди гул нетмоқ керак? Сарвдин тобут ясаб гулдан қафан бичмоқ керак каби ўлмас, гоғтада юксак истеъдод билан битилган мисралари, оташ ҳароратли шеърлар билан асрлар оша инсонлар қалбида мангу яшамокдадир. Тадбир давомида янграган куй ва кўшиқлар, дилбар рақслар шоирнинг руҳини шод этган бўлса не ажаб. Гулчехра ДУРДИЕВА

МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ КЕЧА

Айни кунларда аллома таваллуди га бағишлаб ўтказилаётган турли хил тadbирлар, мушоира кечалари, улуг мутафаккирга бўлган буюк эҳтиром намунаси дур.— Жумладан Тошкент темир йўл транспорт колледжга Алишер Навоий таваллудининг 563 йиллигига бағишланган «Алишер Навоий шеърият султони» мавзуида маънавий-маърифий тadbир бўлиб ўтди. Тадбирни Тошкент темир йўл транспорт колледжи директори Саттор Носиров кириш сўзи билан очаркан, Алишер Навоий ижоди ва унинг бугунги кунда ёшлар тарбиясига таъсири ва аҳамиятига таъкидлади. Шунингдек, Республика Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари, филология фанлари номзоди Султонмурод, Олимов — «Навоий ижодида ёшлар камолоти масаласи», Навоийшунос олим Зиёда Ғаффорова — «Навоий асарларида инсоний фазилатлар талқини», шоир Шухрат Насимов — «Алишер Навоий шеърият султони» мавзуида сўзга чиқиб, улуг алломанинг бебаҳо меросини ўрганиш ёш авлод учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Тадбир сўнгида коллеж ўқувчилари ижро этган Алишер Навоий ғазаллари асосида басталанган куй-қўшиқлар, шеър ва рубойлар кечага ўзгача файзу тароват бахш этди. Гулором ҲАМИДОВА

УЛУГ АДОМА — ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТУҒРИСИДА

Нафъинг агар халққа бешак дурур
Билки бу нафъ ўзингга кўпроқ дурур...
Алишер НАВОЙИ

Алишер Навоий — буюк мутафаккир. Унинг ижоди худди гавҳари биёсёр уммонга ўхшайди. Қайси соҳанинг вакили бу уммонга гаввосдек шайхисса, ўзига яраша гавҳар топади. Алишер Навоийнинг шеърий тўпламлари ва бошқа асарларида таълим-тарбия масалаларига ҳам алоҳида ўрин берилган. Навоийнинг таъкидлашчи, ер куррасида яшаётган барча инсонлар миллатидан қатъи назар тенгдир. Бу инсонларнинг ҳаёт мазмунини фақат меҳнат ташкил этади, дейди. Алишер Навоий инсон тафаккури, ақли ва илмий билимларини юксак кадрлаган. «Билим ва донишмандлик инсоннинг беэзагидир», деб ёзади. Шунингдек, бола тарбиясига уни шахс сифатида шакллантиришга катта аҳамият бериб, болани ҳаёт «чирроғи» деб таърифлайди. Бола оилага бахт ва сародат келтирувчи зиёдор. Алишер Навоий бола-ларга кичик ёшлигиданоқ билим, маълумот ва тарбия беришликни кўрсатиб, ўғил-қизлар

ҳам, ўқувчи га ҳам талабчан бўлишни ўқтиради. Навоий ўқитувчини жамиятнинг обрўли ва хурматига лойиқ инсон деб билиб, шогирдлар муаллимни ватандек хурмат қилишларини, эъзолашларини ўқитари. Унинг асарларида ахлоқий ва меҳнат тарбиясига доир қарашлари асосий ўринни эгаллайди. Навоийнинг «Маҳбубул қулуб» асарига мактаб ахллари туғрисида куйидагилар баён қилинган: «...Мактаб тутувчи гуноҳсиз ёш болаларга жафо қилувчидир. У ёш болаларни азоблашга рағбатланган, уларни калтаклашга ўрганган. Ўзи раҳмсиз, мяниси пўлат ва кўнгли тошир. Ғазабдан қоши чамирилган, гуноҳсизларга аччиқлинишга одатлангандир. Аммо ёш болалар табиятидаги кайсарликни қийналиб ром қилувчи ва кичкинариликнинг олазарак қабилари билан тарбияга солувчидир. Агарчи қилиқларининг қўполлиги намоёндин, аммо ўзлари ёш болалар келишмаганиқларини силлиқлашга йрик эғовдир. Унинг иши одам қўлидан келмас, одам эмас, балки дев ҳам

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲУРАНИШ
Домо бўлур...

• Қадим замонда бир шох бўлган экан. У шунчалик ёвуз эканки, одамларни мол-дунёсидан айририб, қул қилишдан завқланса, шаҳару қишлоқларнинг қулини кўкка совириб, гўдаклар қонини оқизиб, лаззатланар экан. Бир куни шох қўшни мамлакатни забт этмоқчи бўлибди. Аммо, жангда осонлик билан мақсадга етолмабди. Ҳайлай-Ҳайлай ҳийла ишлатиб, сотқинларни ишга солиб, мамлакат подшоҳини ўлдирибди. Ҳа, эса маликага совчи кўйибди.

Малика ориятли аёл экан. Номусини, юртини ширин жонидан афзал билиб, элга бош бўлиб, душмандан ўч олишга аҳд қилибди. Мардона кийиниб, майдонга чиқибди. Аммо жанг бошланмасдан олдин икки энлик мактуб ёзиб қонхўр шохга жўнатибди. Мактубда эса шундай сўзлар битилган экан: «Эй улуг шох, шунча мағрурлигинг, салоҳиятиг билан жангда енгилсанг, аҳли олам бир умр аёлдан енгилган шох деб устиндан кулиб юради. Агар омад сенга боқиб голиб келсанг, «Аёл билан тенглашган шох» деб эл улус лаънатига қоласан».

Шундан сўнг айёр шох маликага қарши урушишга журъат эта олмабди.

Хулоса. Сўзи бутуннинг нону насибаси, эл-юрти бутун.

• **Билими керакли сўзни сўзлайди, Кераксиз сўзни кўмиб ташлайди.**

• **ХИКОЯТ.** Саъдийнинг «Гулистон» китобида қайд қилинишича, Ҳижоз сафарига чиққан маҳалимда бир неча софдил кишилар менга ҳамроҳ бўлдилар. Улар гоҳо аскиябозлик қилишар ва гоҳо ҳикматли шеърлар ўқишарди. Дарвешларнинг ички дунёсидан воқиф бўлмаган ва уларнинг дардли дилларидан беҳабар бир обид то Бани Хилол работига еткунга қадар бизга ҳамроҳ бўлиб борди. Бани Хилол работида араблар қароргоҳидан буғдой рангли бир бола чиқиб, шу қадар ёқимли овоз билан кўшиқ айтишга киришдики, самоддаги қушлар ерга тушдилар. Обиднинг туяси уни ағдариб ташлаб, саҳрога қараб қочди. Мен дедим: «Эй шайх, боланинг кўшиги ҳатто ҳайвонга ҳам таъсир этдию, лекин сенга таъсир этмади».

Байт:
Билдингми, тонг чоғида нима дер менга булбул: «Нечук одам саналгай севгидан беҳабар дил? Араб шеърин эшитган туя завқидан ўйнар, Сенда завқдан асар йўқ, ҳайвон экансан буткул».

АЁЛЛАР МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкентда матбуот ходимлари учун «Республика оммавий ахборот воситаларида оилавий зиддиятларнинг ёритилиши» мавзуда анжуман ўтказилди. Анжуман оила маданиятини ривожлантириш «Баркамоллик» маркази ва Фридрих Эберт жамғармаси томонидан ташкил этилди.

— Хотин-қизлар кўпинча жисмоний, жинсий, психологик ва иқтисодий зўравонликдан жабр кўрадилар, — деди Оила маданиятини ривожлантириш маркази директори Ольга Аванесова «Туркистон-пресс» мухбирига. — Аёл киши умрида бир марта бўлса ҳам эркак кишининг зўравонлигига учрайди. Кўп ҳолларда эса аёлни хўрлаш ё камситишга уринишлар бўлади. Жабрланувчидан бештадан биттасигина ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига мурожаат қилади. Эркак киши аёлни

калтаклар экан, унга «сабоқ» бердим ёки шу тарзда унга ўз «муҳаббатимни» билдирдим деб ҳисоблайди. Бу муҳаббат эмас, балки қонунбузарлик ҳисобланади. У республика қонунида белгиланганидек, жиноий жавобгарликка тортилади.

Анжуманда журналистлар Германияда ва Ўзбекистонда оилавий зиддиятларни ечиш муаммолари ва уларнинг матбуот орқали ёритилиши, ҳолис экспертларнинг мазкур муаммо бўйича изланишлари ҳамда матбуотда ёритилган

мақолалар тақдими билан танишдилар. Шунингдек, Марказий Осиё бўйича Фридрих Эберт жамғармасининг лойиҳа мувофиқлаштирувчиси доктор Рейхард Крумму, Германия парламенти Марказий Осиё гуруҳи раиси Хеди Вегенер хонимнинг чиқишлари тингланди. Муаммо ечимларини қай тарзда матбуотда ёритиш лозимлиги тўғрисидаги олган тушунчалари ва ҳаётларида учраган воқеалар юзасидан амалий машқлар бажаришди. Тадбир охирида мазкур муаммони ёритиш бўйича танлов эълон қилинди. Бу мавзудаги энг яхши мақолалар махсус рисолада чоп этилади.

Д.ТОИРОВА,
«Туркистон-пресс»



Ўқувчиларни мактаб чоғидан турли хил ҳунар ўрганишлари келгусида катта аҳамиятга эгадир. Мирзо Улугбек туманидаги 207-мактабда ҳам меҳнат дарслари намунали йўлга қўйилган.

СУРАТДА: 207-мактаб ўқитувчиси, конструктор-модельер Муниса Исматуллаева шоғирди билан. А.Попов олган сурат.

«НУРОНИЙ»: ЯКУН ВА РЕЖАЛАР

Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамғарманинг ҳудудий бўлимлари раҳбарлари, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа қатор идора ҳамда ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Жамғарма марказий кенгаши раиси Э.Боқибоев бошқарган йиғилишда Обод маҳалла йилида амалга оширилган ишлар ҳусусида сўз юритилиб, мазкур ташкилотнинг ўтган йилги фаолиятига яқун ясалди. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 27 январда эълон қилинган «Меҳр ва муруват йили» дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан бажарилиши лозим бўлган ишлар муҳокама этилди.

Ўтган йили жамғарма марказий кенгаши ва жойлардаги бўлимлари томонидан уруш ва меҳнат фах-

рийларига, жангда ҳалок бўлган ҳарбийларнинг оилаларига 55 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

2004 йилнинг давлатимиз раҳбари томонидан Меҳр ва муруват йили деб эълон қилиниши жамғарма зиммасига улкан вазифалар юклайди. Йиғилишда ана шу йўналишда амалга ошириладиган ишлар режаси белгилаб олинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — хотин-қизлар кўмитасининг раиси С.Иномова иштирок этди.

Холмурод САЛИМОВ,
ЎЗА

Жумладан, Ҳамза тумани, Хабаровск кўчаси, 14-уйда истиқомат қилувчи Яздон Худойбердиев ўз уйида Корея Республикасида ишлаб чиқарилган, Ўзбекистон Республикаси акциз маркаси эпиштирилмаган 3880 қути «PINE» сигаретларини қонунга хилоф равишда 1.474.400 сўмга сотаётган вақтда бўлим ходимлари томонидан ушланган. Я.Худойбердиевга нисбатан Республика Жиноят Кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилган.

Шунингдек, бўлим томонидан айрим нопок шахсларнинг республикамиз ҳудудига алкоғолли маҳсулотларни олиб кириши ва сотиши билан боғлиқ бўлган жиноятларни аниқлаш, бартафрат этиш ва олдини олиш бўйича ҳам қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, фуқаро Ш.Алимов алкоғолли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда муомалага кириштириш мақсадида Қозоғистон Рес-

публикасида ишлаб чиқарилган Ўзбекистон Республикаси акциз маркасисиз жами 468 шиша «Родина», «Пшеничная» ароқларини

Ўзбекистон Республикаси акциз маркасисиз «Родина» ароқларини 210,0 минг сўмга сотган вақтда ушланганлар. Уларга нисбатан

Солиқ
НОҚОНУНИЙ
МАҲСУЛОТЛАРГА —
МУСТАҲҚАМ ТЎСИҚ

Республикамизда иқтисодий ислохотлар ўтказилаётган бир вақтда айрим нопок шахслар томонидан давлатимиз томонидан қабул қилинган Қарорларга зид равишда мамлакатимиз ҳудудига қонунга хилоф равишда алкоғол ва тамаки маҳсулотларининг олиб келиниши ҳоллари учраб турибди. Хусусан, бошқа туманлар қатори Акмал Икромов тумани прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими томонидан ҳам бундай нопок шахсларни фош қилиш мақсадида кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

414,0 минг сўмга сотаётган пайтда бўлим ходимлари томонидан ушланган. Шу билан бирга фуқаро Н.Пўлатова А.Алимухамедов билан биргаликда алкоғолли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда муомалага кириштириш мақсадида ўзaro жиноий тил бириктириб, 295 шиша Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган

Республика Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноят ишлари қўзғатилган ва улар қилмишларига яраша жазоларини олдилар.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, айрим нопок шахслар томонидан мўмай пул топиш мақсадида бундай қилмишлар содир қилинар экан, биз қинғир ишларнинг олдини олиш учун маҳалларда, жамоат жойларида, фуқаролар ўртасида тушунтириш ишларини кўпроқ ўтказишимиз лозим, токи фуқаролар қонунбузарлик қандай оқибатлар келтиришини билишсин.

И.АЙДУСОВ,
Акмал Икромов туман прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими суриштирувчиси.

Ажройиботлар**КАББАНИНГ
ИККИНЧИ ТОШИ**

Улуғ бобокалонимиз Абу Райҳон Беруний қимматбаҳо тошларга эга бўлган, уларни текшириб ўрганган. Олим ўзининг минералогияга бағишланган китобида оқ рангли, сариқ, қизил, қора ва бошқа рангли тошларни Ҳиндистонда ҳамда Яманда қазиб олинишини ёзади. Берунийнинг ёзишича ақиқни Византияда «руми»—рим номидан олиб шундай деб аташган. Қизил ақиқдан ясалган Макка мушрикларининг бути Хубаяни пайғамбаримиз Мухаммад Алайҳиссалом кўрсатмаларига кўра майдалаб ташланганлигини ҳам эслатиб ўтади китоб муаллифи. Китобдан Намуннинг Қизил денгиздан қимматбаҳо оникс тошни топиб олиб маҳаллий ҳоким Валид Ибн Абу ал Малика шу ердаги оролга алмаштириб олганлигини ҳам биламиз. Хурмозор, гуллаган боғ-роғларга эга орол Намунга ўтади, қимматбаҳо тош эса Маккага йўл олади. Уни «Каббанинг иккинчи тоши» деб ҳам юритадилар.

**ИЛОН ЗАҲРИНИ
КЕСАДИ**

Буюк сайёҳлардан ҳисобланган Вамбери туркман шайхларидан бири заҳарли илон чакиб олган одамни асли крем бўлган аванторин қимматбаҳо тоши билан даволаганини кўрганлигини ёзади. Шайх тошни беморнинг заҳарланган жойига иш-қалаб оғриқни қолдирганлигига гувоҳ бўлади. Араблар бу тошни «Фалсафа тоши»га тенглаштирдилар. Шунинг учун бўлса керак, ҳазрат Али қабри атрофидан шундай тош топилганди.

**СУРГУНДА
ҲАМ САҚЛАБ
КОЛИНГАН**


Москвада А.С.Пушкин музейида шоирнинг иккинчи бир сердолик тошли узуги сақланади. У шоирга қандай келиб қолганлигини ҳеч ким билмайди. Уни Александр Сергеевич Раевский уйда бўлиб ўтган кечадаги лоторея ўйинига тикади. Узукни генерал Н.И.Раевскийнинг кичик кизи Мария ютиб олади. Декабрист князь Сергей Волконскийга турмушга чиққан Сибирга эри билан бирга сургун қилинади. Мария Николаевна узукни бебаҳо ёдгорлик сифатида бутун умр бўйи сақлаб юрди, ўлими олдидан сургунда туғилган ўғли Михаилга совға қилади. 1915 йили кампирнинг набираси ҳисобланган С.М.Волконский узукни Пушкин уйига элтиб беради.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Меҳр ва мурувват йилида

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи
иқтисодий фаолият миллий банки****“МЕҲРИБОНЛИК” деб аталган янги омонат
турини таклиф этади****Даромад - йилига 37%!**

омонатга пуллар 2004 йил 5 февралдан 15 мартга қадар қабул қилинади
сақлаш муддати - 6 ой
дастлабки ва қўшимча қўйилмаларнинг энг кам миқдори - 50000 сўм
фоизлар миқдорининг истагига кўра қўйидаги шартларда тўланади:
- ҳисобварақа очиш чоғида бўнак (аванс) тарзида;
- ҳар ойда;
- депозит муддати тугаганидан сўнг уларни капиталлаштириб.

**МИЛЛИЙ БАНК — ПУЛЛАРИНГИЗ САҚЛАНИШИ
ВА ДАРОМАДЛИЛИГИГА КАФОЛАТДИР!**

Қўшимча маълумотларни 135-42-83, 134-14-14 телефон рақамлари орқали
ёки Миллий банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин
www.nbu.com

**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА
ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!****Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар
бошқармаси ва****«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»
Сизларни биржа савдоларига таклиф этади.****БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚЎЙИДАГИ ШАҲРИМИЗ
БОЗОРЛАРИДАН ЖОЙЛАР ҚЎЙИЛГАН:****Биржа савдоларида:**

Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 74-уйда жойлашган, «Parkent ixtisoslashgan bozori» ОАЖ
худудида янги қуриладиган тургун савдо дўконларини қуриш ҳуқуқи:

- майдони 9 квадрат метр (3x3) бўлган ноозиқ-овқат буюмлари дўкони қуриш ҳуқуқи,
бошланғич баҳоси - 2000000 сўм;
- майдони 36 квадрат метр (6x6) бўлган қурилиш моллари дўкони қуриш ҳуқуқи,
бошланғич баҳоси - 3 500000 сўм;
- майдони 1,5 квадрат метр (1x1,5) бўлган лак-бўёқ дўкони қуриш ҳуқуқи,
бошланғич баҳоси - 2 000000 сўм;
- майдони 48 квадрат метр (6x8) бўлган ошхона қуриш ҳуқуқи,
бошланғич баҳоси - 5 000000 сўм.

Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Янги Сергели, 3-уйда жойлашган, «Avtomakon» СЯМ ШХЖ (авто эҳтиёт
қисмлар бозори) худудида жойлашган, ҳар бирининг майдони 18 квадрат метр бўлган дўконлар,
ҳар бир дўконнинг бошланғич баҳоси - 3000000 сўм.

Биржа савдолари ҳафтанинг ҳар иш кунида
«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази»да бўлиб ўтади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16а-уй.

Телефон: 132-25-51. Факс: 133-20-74.

www.tshmbm.uz; E-mail: Birja@mail.tps.uz ва info@tshmbm.uz

Ҳурматли Нурмурад Раҳмуродов!

Сизни 40 ёшга тўлганлигиниз муносабати билан
чин кўнгилдан қутлаймиз.
Доимо соғ-омон бўлинг.
Укаларингиз
Суннатилла ва Маҳмуд.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан
ташқари ҳар куни соат 9.00 дан
17.30 гача қабул қилинади.
Маълумотлар учун телефон:
133-28-95.
Факс: (3712) 133-29-09.
Манзилимиз: Матбуотчилар кўча-
си, 32-уй, 2-қават, 204-хона.

НИМА? ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

9—15 февралда

Бугун — *Ўзбек Миллий академик драма театрида буюк аллома Алишер Навоий таваллудига бағишлаб Уйғун ва И.Султон асари «Алишер Навоий» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.*

● Алишер Навоий номидаги санъат саройида «Дев билан пакана» кинокомедияси соат 11.00, 13.30, 16.00, 18.30 да бошланади.

10 февралда:

● Абдор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театрида «Ерим кетаман дейди» спектакли соат 15.00 да намойиш қилинади.

● Ўзбекистон Ёшлари театрида «Қабоҳат тузоғи — XXI» спектакль премьераси соат 16.00 да бошланади.

11 февралда:

● Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида Х.Даврон асари «Бобур соғинчи» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

● Республика қўғирчоқ театрида «Қувноқ томоша» спектакли соат 10.00, 12.00 да бошланади.

12 февралда:

● Ўзбек Миллий академик драма театрида У.Азим асари «Бир қадам йўл» спектакли соат 18.00 да намойиш қилинади.

● Абдор Ҳидоятлов номидаги Ўзбек давлат драма театрида «Отасининг қизи» спектакли соат 15.00 да бошланади.

13 февралда:

● Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта театрида «Эсмеральда» балети соат 18.00 да намойиш этилади.

● Халқлар дўстлиги саройида хушовоз хонанда Райҳонанинг «Севгилим» деб номланган янги концерт дастури соат 19.00 да бошланади.

14 февралда:

● «Туркистон» саройида ёш хонанда Абдували Ражабов «Бевафо ёр» деб номланган илк яккахон концерт дастурини соат 18.00 да намойиш этади.

● Республика қўғирчоқ театрида «Малика ва темирчи ҳақида эртақ» соат 11.00, 13.00 да бошланади.

15 февралда:

● Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театрида С.Имомов асари «Суперқайнона» спектакли соат 18.00 да намойиш қилинади.

● Тошкент Давлат мусиқалии комедия (Оперетта) театрида «Цирк маликаси» спектакли соат 17.00 да бошланади.

● Ўзбек Миллий академик драма театрида Э.Хушвақтов асари «Қирмизи олма» спектакли соат 18.00 да намойиш этилади.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари тахририяти жамоаси тахририят ходими Маърифат Алимухамедовага падари бузруквори **Раҳимжон отанинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

МОҲИР ФУТБОЛЧИЛАР ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА

Мана ўн уч йилдирки, «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамияти футбол секциясида Анатолий Кузнецов болажонларга сидқидилдан футбол сир-асрорларини ўргатиб келмоқда.



Албатта, барча соҳалардаги каби спортда ҳам инсон фаолиятига кўрсатган натижаларига қараб баҳо берилмади. Ўтган йиллар давомида Анатолий Петрович кўлида сабоқ олган кўплаб иқтидорли ёшлар ҳозирда Ўзбекистон ёшлар ва олимпия терма жамоалари, «Пахтакор», «Кимёгар», «Металлург» каби етакчи командаларда тўп сурмоқдалар. Александр Бакалдис, Игорь Скичко, Максим Макаров, Алексей Соболев, Юрий Никитков, Тимур Кагиров, Аскар Тўхтаров каби чарм тўп усталари шулар жумласидандир.

Энг муҳими, ушбу қаттиққўл ва талабчан, шу билан бирга доимо қувноқ ҳазиллар орқали

кайфиятни кўтаришга мойил мураббий кўлида болалар иштиёқ билан машғулотларда шуғулланишади. Ҳозирги кунда Анатолий Кузнецов 9 ва ундан юқори ёшдаги 120 нафар болалар ҳамда ўсмирларга ўз бой маҳорати ва тажрибасини ўргатиб бормоқда.

Ўйлаймизки, ушбу болалардан ҳам келгусида футболимиз юлдузлари етишиб чиқади.

Даврон НУРМАТОВ СУРАТДА: ёш футболчилар машғулот пайтида.
Алексей Попов олган сурат.

АНЖУМАН ЎТКАЗИЛДИ

Республика «Маҳалла» жамғармасида маҳаллалар фаоллари, фермерлар иштирокида ўзини ўзи бошқариш органлари профессионал менежмент ҳамда қишлоқ хўжалик бирлашмаларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш мавзусидаги семинарлар ўз ишини бошлади. Мазкур семинарлар Республика «Маҳалла» жамғармаси, Ўзбекистон фермер ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси ва Конрад Аденауэр жамғармаси ҳамкорлигида уюштирилди.

Конрад Аденауэр жамғармаси ташаббуси билан 2004 йил давомида мамлакатимиз бўйлаб ўтказилиши режалаштирилган семинарларда маҳалла фаоллари, партиялар вакиллари, тадбиркорлар, фермерлар ва ёшлар иштирок этишмоқда. Семинарларда иштирокчилар ўзларини қийнаётган муаммолар, уларни ҳал этиш йўллари хусусида фикр ва мулоҳазаларини билдиришди.

Партиялар вакиллари иштирокидаги «Ўзбекистонда партиялар ва демократик сайловлари» семинари ёшлар учун мўлжалланган «Ёшлар сайловлар арафасида» семинари билан бирга иш бошлади. Унда ёшларга сайлов технологиялари ва сайловдаги асосий кадрятлар тўғрисида маълумотлар берилди.

С. НАЗАРХҲАЕВА, «Туркистон-пресс»

Ўзбекистон Давлат консерваториясида ёш истеъдодларинг Меҳр ва мурувват йилига бағишланган концерти бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси томонидан ташкил этилди.

Саҳнада — ёш истеъдодлар

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга катта эътибор берилмоқда. Ёш ҳамюртларимиз нуфузли халқаро мусиқа танловларида ғолиб чиқмоқда. Масалан, мазкур концерт иштирокчилари Элнура Абдуллаева, Гўзал Тағиева, Нодир Ҳошимов кўп бор республика танловлари, шунингдек, Буюк Брита-

ния, Юнонистон, Германия, АҚШ, Францияда ўтказилган халқаро танловлар лауреатлари бўлишган.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси мусиқа театр-студияси оркестри жўрлигида ўтган концертда республикамиз ва бошқа мамлакатлар бастакорлари асарлари ижро этилди.

Н.УСМОНОВА, ЎЗА

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

9 — 15 февраль

<p>Кўй (21 март — 20 апрель) — Айни кунларда ҳаётингизда юксалишлар бошланади. Ўзингиз кутмаган ҳолда кўп нарсага эришасиз. Ойнинг ўрталарида яхши бир хушxabар эшитасиз.</p> <p>Бузоқ (21 апрель — 20 май) — Ушбу ҳафта ишда фаоллик кўрсатишингиз керак. Ана шунда ютуқларга эришасиз, ижодий режаларингиз амалга ошади.</p> <p>Эгизаклар (21 май — 21 июнь) — Ҳафта боши эгизаклар учун майда кўнгилсизликлар билан бошланади. Ҳафта ўрталарида ўзингизни дангаса ва ланж ҳис этасиз. Лекин дам олиш кунини ҳаётингизга хурсандчилик кириб келади.</p> <p>Қисқичбақа (22 июнь — 22 июль) — Бу ҳафта толиққандлигингиз, асабларингиз бирмунча чарчанглигидан ишга лоқайд муносабатда бўласиз.</p>	<p>Бирок сазина бардош ва чидамли бўлсангиз ижобий ўзгаришлар вужудга келади.</p> <p>Арслон (23 июль — 23 август) — Ушбу ҳафта омадли бошланади. Совғалар — меҳмонлардан кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Ҳафта ўрталарида эса ўйлаган режаларингиз амалга ошмаслиги мумкин.</p> <p>Паризод (24 август — 23 сентябрь) — Ҳафта ижодкор инсонлар учун — илҳом чашмасидир. Ҳаётда учрайдиган баъзи нохушликлардан кайфиятингизни туширманг. Янгилик сари интилинг.</p> <p>Тарозу (24 сентябрь — 23 октябрь) — Ушбу ҳафта тарозулар муҳим бир масала ечимини топишлари керак. Бу албатта пул топиш масаласидир. Сизни бир қанча сарф-харажатлар кутмоқда.</p> <p>Чаён (24 октябрь — 22 ноябрь) — Бу ҳафтада оиллада бироз кескин муносабатлар вужудга келади. Ишда эса одатдагидан эътиборлироқ бўлишингиз керак. Ана</p>	<p>шунда меҳнатингиз ривож топади.</p> <p>Ўқотар (23 ноябрь — 21 декабрь) — Айни кунларда сизга дўстларингиз ва яқинларингиз маслаҳати керак бўлади. Ҳафта ўрталарида яхши инсонлар билан учрашасиз. Сабабга чиқасиз.</p> <p>Тоғ эчкиси (21 декабрь — 20 январь) — Ушбу ҳафта билимингиз ва ғайратингиз ошиб, янги ишларни бошлашга киришасиз. Ишда янги дўст ва танишлар орттирасиз.</p> <p>Ковга (21 январь — 19 февраль) — Ўтган ҳафта режалаштирган айрим ишларингиз ўзгаради. Ишингиздан вақтинча тўхтаб оилавий муаммоларни ҳал қилишингиз керак. Соғлигингиз безовта қилиши мумкин.</p> <p>Балик (20 февраль — 20 март) — Бу ҳафта тадбиркорлар учун унумли кечади. Ўтган ойдаги баъзи молиявий чиқимлар ўз жойига тушади. Янги ҳамкорлар билан қилишувингиз тўфайли ишда бирмунча ўзгаришлар юзга келади.</p>
---	--	---

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«СУВСОЗ» ТРЕСТИ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИНИНГ «УЛГУРЖИСУВСАВДО» ШЎЪБА КОРХОНАСИ

2004 йил 25 февралдан тижорат ва саноат корхоналари учун (бюджет, иссиқлик таъминловчи корхоналар ва аҳоли бундан истисно) кўрсатилган хизматларга янги тарифларинг киритилишини хабар қилади.

Сув таъминоти бўйича — 1м3 учун 47,80 сўм (ҚҚСсиз)
Оқова сув бўйича — 1м3 учун 15,50 сўм (ҚҚСсиз)
(2004 йил 6 февралдаги №514-ТТ рақамли декларация)

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Буюртма Г-307.

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар — 133-28-95, 133-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма таъбоқ офсет усулида босилади.
5576 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаамнига» — 133-7405 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.